

**Қаюмов А.А.,**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси профессори, география фанлари доктори;

**Гафурова Д.А.,**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Иқтисодиёт” факультети катта илмий ходим-изланувчиси

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ВА РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ – РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

***Туризм индустрияси XX асрнинг сўнги чора-гида хизмат кўрсатиш соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бирига айланди ва унинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда.***

1950-йилларда рўйхатга олинган туристлар сони 25 миллион киши бўлган бўлса, 1960-йилларда 70 миллион, 1970-йилларда 168 миллион, 1995 йилда 600 миллиондан ошиб кетди. 2005 йилга келиб, 900 миллион кишига етди<sup>1</sup>. Замонавий туризм индустрияси – иқтисодиётнинг тез ривожланаётган ва сердаромад тармоқларидан биридир. Унинг ҳиссасига дунёдаги ялпи даромаднинг қарийб 10 фоизи тўғри келади<sup>2</sup>. Бутун дунё туризм ташкилоти маълумотла-

рига кўра, дунё бўйича банд аҳолининг 8 фоизи туризм соҳасида фаолият юритади. Шунингдек, туризм соҳасига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқларига ажратилган инвестицияларнинг 7 фоизи, умумий истеъмол харажатларининг 11 фоизи тўғри келади<sup>3</sup>.

Туризмнинг ривожланиши ҳар қандай мамлакат иқтисодий инфратузилмасининг шаклланишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатади ва валюта тушумлари ҳажмининг ўсишига олиб келади. Тўғри, кейинги 10–15 йилда дунё ва унинг айрим минтақаларидаги гео-

<sup>1</sup> Якубов Ў., Ваҳобов Ҳ. Рекреацион география асослари. Уқув қўлланма. – Т., “Fan va texnologiya”, 2012. –104-б.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 107-б.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 106-б.

сий ҳолатнинг кескин мураккаб-лашиши, баъзи бир, айниқса туристларни ўзига жалб қилувчи ҳудудларда уруш ҳаракатларининг давом этиши, диний экстремизмнинг чуқурлашиши сайёҳлик ҳаракати ва унинг кўламига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай нохуш воқеаларнинг туристларни катта миқдорда ўзига жалб қилувчи, жумладан, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Шимолий Африка каби ҳудудларда бўлиб ўтаётганлиги сайёҳларнинг сони ва географиясига таъсир қилмай қўймайди, албатта.

Ўзбекистон аҳолиси тинч ва хотиржам ҳаёт кечиришда, меҳнат қилишда давом этмоқда. Ранг-баранг табиати, бой тарихи ва шифобахш масканлари билан ажралиб турувчи, ҳар қандай одамни ўзига жалб қилувчи Марказий Осиёнинг ўрта қисмини эгаллаган Ўзбекистон ҳам рекреацион, ҳам сайёҳлик ресурсларига эгаллиги ва ниҳоятда бойлиги билан қўшниларидан ажралиб туради.

Туризм ва рекреация ресурсларидан фойдаланиш масаласи ҳар қандай мамлакат ва минтақа учун ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий аҳамият касб этувчи соҳа эканлигини кўплаб олим ва мутахассислар, давлат арбоблари бир неча бор таъкидлашган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон Сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида шундай деган: “Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш,

савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган”<sup>1</sup>.

Бу, айниқса, жаҳон туристик бозорига хос бўлган дам олиш ва даволаниш масканларига, дунё миқёсидаги турли хил туристик объектларга эга Ўзбекистон учун бетакрор аҳамият касб этади. Майдони салкам ярим миллион квадрат километрни ташкил этувчи, океан ва денгизлардан анча йироқда, материк ичкарасида жойлашган Ўзбекистонда сайёҳлик объектлари қаторида даставвал рекреация ресурслари ҳамда қадимги тарихий обидаларга бой Фарғона ва Зарафшон водийлари, Хоразм воҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу даволаниш, дам олиш масканлари ҳамда оммавий сайилгоҳлар жойлашган воҳа ва водийларда йилига бир неча ўн-юз минглаб маҳаллий аҳоли ҳамда яқин ва узоқ хориждан келган инсонлар дам олади, даволанади, ҳар хил сайёҳлик турлари билан шуғулланади. Қадимий маданиятлар бешиги бўлган, ЮНЕСКО нинг бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган, қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари минтақада маърифий туризмнинг ривожланишини таъминлаб келмоқда. Айнан маърифий ту-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 3 октябрь.

ризм бугунги кунда дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда ва бутун сайёҳлик соҳасининг энг муҳим қадриятларидан бирига айланмоқда.

Дам олиш, даволаниш, ҳар хил сайёҳлик турлари, шу жумладан, маърифий туризм билан шуғулланиш мақсадида Ўзбекистонга расмий тарзда келаётганлар сайёҳларнинг сони кейинги бир-икки йил ичида жадал кўпайиб бормоқда. "Мамлакатимизга 2013 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан сайёҳлар ташриф буюрди ва уларнинг йиллик сони 2 миллиондан ошди. Ўтган икки йил мобайнида бу кўрсаткич 43 фоизга ўсди, жорий йилнинг биринчи ярмида эса 1 миллиондан ортиқ чет эллик сайёҳ юртимизга ташриф буюрди"<sup>1</sup>.

Ўзбекистонга сайёҳ бўлиб келган ва унинг ҳудудидан сайёҳ сифатида чиқиб кетганлар умумий сонининг 90 фоизини ташриф буюрганлар ва 10 фоизини мамлакатимиздан хорижий давлатларга сайёҳ бўлиб кетганлар ташкил этади. Сўнги йилларда келган ва кетган сайёҳларнинг умумий сони қарийб беш марта ошган бўлса, юртимизга келган сайёҳларнинг сони деярли олти марта ошган. Юртимиздан хорижий мамлакатларга саёҳатга борганлар сони 5,7 мартага ошган.

2013 йилда сайёҳлик хизматлари экспорти ҳажми 615 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунда туризм соҳасида 200 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, бу тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 3 октябрь.

2 фоиздан ошди. Ўзбекистонда 550 та сайёҳлик компанияси-туроператорлари фаолият юритмоқда<sup>2</sup>.

Юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар сони Ўзбекистон минтақалари бўйича турлича кўрсаткичга эга. Республика доирасида энг юқори кўрсаткичлар Тошкент ва Зарафшон минтақаларига, Тошкент шаҳри ҳамда Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келади. Айни пайтда, Тошкент, Зарафшон ва Жанубий минтақалар бўйича келган ва кетган сайёҳлар сони қарийб 5,5 мартага ошган, ушбу кўрсаткич Фарғона ва Мирзачўл минтақалари бўйича 3–3,5 мартага ўсган.

Демак, Ўзбекистон миқёсидаги сайёҳларга 2013 йилда жами 550 та сайёҳлик компанияси-туроператорлари хизмат қилди. Шуларнинг деярли ярми Тошкент минтақасига, 1/3 қисми Зарафшон минтақасига ва атиги уч фоизи Фарғона минтақасига тўғри келди. Шунга қарамадан, Фарғона минтақаси доирасида сайёҳларнинг нисбий сони Тошкент ва Зарафшон минтақалари кўрсаткичларига яқин ёки уларга қараганда каттароқ бўлди. Бошқача қилиб айтганда, Фарғона минтақасида ҳар бир туроператор кўрсатган хизмат ҳажми Тошкент минтақаси кўрсаткичидан 2,5 мартага, Зарафшон минтақаси кўрсаткичидан эса салкам 3 мартага кўп бўлди.

Фарғона минтақасига ташриф буюрган сайёҳлар билан жўнатилган сайёҳлар ўртасидаги нисбат 5 : 1 ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич Тошкент минтақасида 11 : 1 ни ташкил этди. Зарафшон минтақасида эса нисбат бир

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба.

неча карра катта бўлди. Демак, фирма ва ташкилотларнинг асосий этибори ташриф буюрган сайёҳларга турли хил хизматлар кўрсатишга йўналтирилди.

Бундай ҳолатнинг шаклланишида Фарғона водийсида дам олиш ва даволаниш масканларининг нисбатан кўплиги ҳамда уларнинг йил давомида фаолият кўрсатиши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, Чортоқ, Чимён каби санаториялар, қатор дам олиш масканларини республикамизда билмаган инсон бўлмаса керак. Улар давлатимиз мустақиллиги давригача ишлаган, ҳозир ҳам ишламоқда. Энг муҳими, Ўзбекистонда дам олиш ва даволанишни таъминловчи, маърифий ҳамда бошқа турдаги туристик хизматларни ташкил қилувчи фирма ва ташкилотларнинг барча хиллари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 2013 йилда мавжуд жами санаторий-курорт ташкилотларининг 1/5 қисми кичик корхоналар ва микрофирмалардан иборат бўлган.

Ўзбекистондаги санаторий-курорт ташкилотлар катталар учун санаториялар, пансионатлар, болалар санаториялари, ота-она ва болалар учун санаториялар, йил давомида фаолият кўрсатадиган санатория-соғломлаштириш лагерлари ва санаторий-профилакториялардан ташкил топган. Шулардан энг кўп тарқалганлари катталар учун санаториялар, болалар санаториялари ва санатория-профилакториялар ҳисобланади. Ота-она ва болалар учун санаториялар ҳамда йил давомида фаолият кўрсатадиган санатория ва пансионатлар нисбатан кам тарқалган.

Санатория-курорт ташкилотларида мавжуд жойларнинг ҳам асо-

сий қисми катталар учун санаториялар, болалар учун санаториялар ва санатория-профилакториялар ҳиссасига тўғри келади. Деярли барча турдаги санатория-курорт ташкилотларида кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатади (бундан фақат ота-она ва болалар санаториялари мустасно).

Санатория ва курортлар мамлакат минтақалари доирасида нотекис тақсимланган. Бунда, албатта, рекреация ресурсларининг ҳудудий ташкил этилганлиги, улар амалга ошираётган функцияларнинг хилма-хиллиги муҳим ўрин касб этади. Санатория-курорт ташкилотларининг ҳудудий таркибининг шаклланишида "Ўлка патологияси" омилининг ҳам роли катта бўлмоқда, яъни вилоятларда мавжуд касаллик турлари, уларнинг тарқалиш даври санатория-курорт ташкилотлари ихтисосликларининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Ундан ташқари, йирик ва катта шаҳарларда ма-лакали тиббий кадрларнинг мавжудлиги ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистонда мавжуд санатория-курорт ташкилотларининг асосий қисми Тошкент ва Фарғона минтақаларига тўғри келади, кейинги ўринларда Жанубий, Зарафшон ва Қуйи Амударё минтақалари келади.

Маълумки, санатория-курортлар, дам олиш масканлари, туристик ташкилотлар соғлиқни сақлаш, уни тиклаш, аҳолини ижтимоий қўллаш каби вазифаларни ўташидан ташқари, мамлакат иқтисодиётининг муҳим даромад манбаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда туризм тармоғига мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 2 фоиздан ортиқроқ қисми тўғри келади<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг тарихи ва маданияти ниҳоятда бой ва туризм тармоғининг ривожланиши учун юқори салоҳиятга эга. Худуд "Буюк Ипак йўли"да жойлашганлиги боис, тарихда савдо ва маданий алоқалар маркази сифатида дунё мамлакатлари ичида шуҳрат қозонган. Республика ҳудудида 4000 га яқин архитектура ёдгорликлари бўлиб, уларнинг баъзилари 2500 йиллик тарихга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги тарихий обидалар дунё тарихчилари ва сайёҳларининг доимо диққат марказида бўлиб келган<sup>2</sup>. Бу шаҳарлар нафақат ўзларининг ёдгорликлари, масжидлари, мадрасалари, мақбаралари билан, балки бу ҳудудларда Ал Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Ат Термизий, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк алло-маларимиз яшаб ижод қилганлиги боис ҳам машҳурдир.

Ўтган мустақиллик даври мобайнида Ўзбекистон туризм индустриясида сезиларли ўзгаришлар юз берди, мамлакатда туризмнинг ривожланиши билан боғлиқ сиёсий қарашлар ўзгарди, туризмни ривожлантириш меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Туризмнинг барча турларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилди ва ҳозирда

такомиллаштирилмоқда. Шунингдек, кичик туристик мажмуаларга хорижий инвестициялар жалб этилмоқда, янги туристик йўналишлар очилмоқда, тармоқни ривожлантириш учун малакали кадрлар тайёрланмоқда, тармоқни ва хизмат кўрсатишни жаҳон андазаларига тенглаштиришга интилинмоқда.

Ўзбекистон цивилизациялар тўқнашган минтақалардан бирида жойлашган мамлакатдир. Унинг тарихи ниҳоятда бой ва бетакрордир. Тарихда халқимиз табиатдаги ҳар бир ўзгаришни (баҳорнинг келиши, ҳосил йиғимини) байрам тўкин-сочинликдан, яхшилиқдан нишона сифатида қабул қилган. Байрамлар ва анъаналар ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олувчи ва одамлар ўзаро муносабатларининг турли жиҳатлари ва шаклларида намоён бўлувчи муайян урф-одатлар ва анъаналар, ахлоқий принциплар ва ҳуқуқий тартиботларнинг тарихан шакланган йиғиндидир.

Ўзбек халқининг асрлар давомидаги ижтимоий маънавий қарашлари халқ оғзаки ижоди орқали аجدодлардан авлодларга етказиб келинган. Бугунги кунга келиб, ўлкамиз тарихи, этнографияси, маданияти ва маънавий мероси жаҳон жамоатчилигининг диққатини ўзига тортмоқда.

Ўз урф-одатлари, маросимлари мазмунига кўра, деҳқончилик ва чорвачилик учун барака сўровчи халқ ҳеч қачон ўзганинг ерига кўз тикмаслигини, халқининг бағрикенг, дилкаш эканлигини Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳ англаб етмоқда.

Шу билан бирга, санатория-курорт, дам олиш ва айниқса, маърифий туризм

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи», 2014 йил 3 октябрь.

<sup>2</sup> Якубов Ў., Ваҳобов Ҳ. Рекреацион география асослари. Уқув қўлланма. – Т.: "Fan va technology", 2012. –107-б.

ташкilotларининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Энг аввало, улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги, аҳолини иш билан таъминлаши талаб даражасида эмас. Тўғри, кейинги 2–3 йилда сайёҳлик, айниқса, маърифий туризм соҳасида ҳақиқий ижобий бурилишлар юз берди. Сайёҳлар сони 2–3 мартага ошди, ундан тушаётган даромадлар ҳажми ҳам шунчага кўпайди. Ушбу тенденцияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бугунги куннинг шиорига айланиши лозим.

Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги муаммоларни ижобий ҳал этиш зарур:

- минтақаларда туризм индустрияси ва инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга устувор аҳамият бериш лозим;

- ҳудудларнинг туристик имкониятларидан самарали фойдаланиш ва мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал этишда сўров-тадқиқот усулидан кенг кўламда фойдаланиш керак;

- туристларнинг келиши, жойлаштирилиши ва кетишини юқори даражада ташкиллаштирилишини қатъий назоратга олиш, бунга солиқ ташкilotларини жалб қилиш зарур;

- меҳмонхоналарни ҳеч бўлмаганда уч ёки тўрт юлдузга эга бўлган стандартларга мослаштириш лозим;

- мамлакатимиздан чиқаётган сайёҳлар сони ҳамда МДХ мамлакатларидан келаётган сайёҳлар сонини кўпайтириш масаласини МДХ мамлакатлари йиғилишларида муҳокама қилиш, тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш лозим.

---

### Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкilotи Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // "Халқ сўзи", 2014 йил 3 октябрь.

2. Турсунов Х.Т., Раҳимова Т.У. Экология. Ўқув қўлланма. – Т.: "Chinorenk" экологик нашриёт компанияси, 2006. –150-б.

3. Қаямов А.А., Якубов Ў.Ш., Раҳимов А.К. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: "Fan va texnologiya", 2011. –156-б.

4. Қаямов А.А., Раҳмонов Р.Н., Эгамбердиева Л.Ш., Ҳамрақулов Ж.Ҳ. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма. – Т.: "Iqtisodiyot", 2014. –146-б.

5. Якубов Ў., Ваҳобов Х. Рекреацион география асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: "Fan va texnologiya", 2012. –144-б.